

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган 2024 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режалари ижроси тўғрисида

ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

Т/р	Вазифалар	Амалий чора-тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар	Ижро ҳолати
<u>ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМЛАРИ</u>						
1.	<p>Янги мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларда зарур шарт-шароитларни яратиш.</p> <p>1-илова 3-банд</p>	<p>518 та мактабни реконструкция қилиш ва 30 та мактабни янгидан барпо этиш орқали 175 минг ўқувчи ўрнини яратиш.</p>	<p>2024 йил якунига қадар</p>	<p>Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида</p>	<p><i>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари,</i></p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Х. Умарова</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-404-сонли қарорига мувофиқ 2024-йилда вилоятда жами 18 та, шундан 2 та янги қурилиш (<i>Зарафшон шаҳари ва Кармана туманида 1 тадан</i>), 14 та реконструкция (<i>Навоий шаҳрида 3 та, Хатирчи туманида 5 та, Кармана туманида 1 та, Қизилтепа туманида 1 та, Навбахор туманида 2 та, Учқудуқ ва Томди туманларида 1 тадан</i>) ва 2 та мукаммал таъмирлаш (<i>Қизилтепа ва Учқудуқ туманларида 1 тадан</i>) умумтаълим мактаблари реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши белгиланиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари тўлиқ якунланган.</p> <p>Натижада, мактабларда 5 200 ўқувчи ўрни яратилиб, 1 980 ўринли мавжуд бинолар мукаммал таъмирланди.</p>

2.	<p>14 та худудда қаровсиз ҳайвонларни сақлашга мўлжалланган питомникларни ташкил этиш.</p> <p>3-илова 10-банд</p>	<p>1. Қаровсиз ҳайвонларни сақлаш ва парваришлаш бўйича питомниклар (приют) лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Республиканинг 14 та худудида қаровсиз ҳайвонларни сақлашга мўлжалланган питомникларни ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш.</p> <p>3. Қурилиш ишларини бажариш учун «E-auksion» платформаси орқали танлов эълон қилиш.</p> <p>4. Қурилиш ишларини смета-ҳужжатларига асосан амалга ошириш.</p>	2024 йил сентябрь	Маҳаллий бюджет, Экология жамғармаси маблағлари	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳакимов, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Б. Норқобилов</p>	<p>Бажарилмоқда:</p> <p>1. Қаровсиз ҳайвонларни сақлаш ва парваришлаш бўйича питомниклар (приют) лойиҳасини ишлаб чиқилган.</p> <p>2. Навбаҳор тумани “Қоражон” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан қаровсиз ҳайвонларни сақлашга мўлжалланган питомникларни ташкил этиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисида вилоят ҳокимининг қарори тасдиқланган (2024-yil 23-sentabr 253-5-0-Q/24).</p> <p>3. Қурилиш ишларини амалга ошириш юзасидан смета-ҳужжатларига ишлаб чиқилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлиси баёни билан муддати узайтирилган.</p>
3.	<p>«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 млн туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатларини, қаламчаларини экиш.</p> <p>3-илова 12-банд</p>	<p>1. «Яшил макон» умуммиллий дастури доирасида 2024 йилдан бошлаб худудларнинг тупроқ-иқлими шароитидан келиб чиқиб, кўкаламзорлаштириш бўйича Давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиш мақсадида худудлар кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ишлаб чиқилган манзилли дастурларни тасдиқланган ҳолда Экология</p>	2024 йил март	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлик ва грант маблағлари	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳакимов</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>2024-йилда вилоятда 14,1 млн дона (<i>шундан, баҳор мавсумида 8 842 минг дона ва куз мавсумида 5 270 минг дона</i>) мевали, манзарали ҳамда бута кўчатлари ва қаламчаларини экиш режалаштирилган.</p> <p>Бугунги кунда 15,8 млн дона кўчатлари экилиб, туман (шаҳар) Экология ходимлари томонидан “яшил макон.эсо” платформасига киритилган.</p>

		<p>вазирлигига киритиш.</p> <p>3. Тақдим этилган манзилли дастурларни умумлаштириб, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.</p> <p>4. Лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.</p>				
4.	<p>2024 йил якунига қадар яшил боғлар сонини 444 тага етказиш.</p> <p>3-илова 13-банд</p>	<p>1. Ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимликларининг ҳамда вазирлик, идоралар томонидан ташкил этиладиган боғларнинг ҳудудларига аниқлик киритиш.</p> <p>2. Ҳудудларнинг тупроқ, -иқлим шароитидан келиб чиқиб, экиладиган дарахт ва бута турларини аниқлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.</p> <p>3. Тадбирларни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш ва яшил боғларни барпо этиш.</p>	<p>2024 йил давомида Кўчат экиш мавсумида</p>	<p>Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида маҳаллий бюджет маблағлари, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маблағлари, ҳомийлик ва грант маблағлари</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари,</p> <p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги</p> <p>А. Абдуҳакимов</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Вилоятда 2024 йилда 26,9 гектар майдонда 21 та “яшил боғлар” барпо этиш бўйича туман(шаҳар)лар халқ депутатлари кенгашларининг тегишли қарорлари билан ер майдонлари ажратилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган.</p> <p>Бугунги кунда “Яшил боғ”лар барпо этиш бўйича ҳудудларнинг тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, дарахт ва бута турлари танланиб кўчат экиш ишлари тўлиқ якунланди.</p>
5.	<p>Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини 92</p>	<p>1. Ҳудудларда қамраб олинмаган маҳаллаларни хатловдан ўтказиш ва кўшимча махсус техника воситаларини харид қилиш.</p> <p>2. Харид қилинган махсус</p>	<p>2024 йил декабрь</p>	<p>Корхоналарнинг ўз маблағлари</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Вилоятда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан мавжуд 330 та маҳаллалардан 312 таси (94,5 фоиз) қамраб олинган.</p>

	<p>фоизга, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 40 фоизга ошириш.</p> <p>3-илова 29-банд</p>	<p>техника воситалари ёрдамида қамраб олинмаган маҳаллаларда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда ташкил этиш.</p>			<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухақимов</p>	<p>Шунингдек, жорий йилда санитар тозалаш корхоналари томонидан 6 та махсус чиқинди ташувчи техникалар харид қилиниб, махсус техникалар орқали қамраб олинмаган маҳаллаларда (<i>Қизилтепа тумани “Янгиҳаёт”, Кармана тумани “Ҳазора”, “Дегароний”, Конимех тумани “Караката” МФЙ</i>) маиший ва қаттиқ чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари йўлга қўйилди.</p> <p>Бундан ташқари, 8 та чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари томонидан 2438,6 тонна чиқиндилар қайта ишланган (<i>қайта ишлаш даражаси 1,6 фоиз</i>) ҳамда 2024 йилда 2 та (<i>“Орзу пласт” ОК, “Ворд пласт Навбахор” ХК</i>) чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилди.</p>
6.	<p>Маиший чиқинди полигонларини камида 17 фоизга қисқартириш.</p> <p>3-илова 30-банд</p>	<p>1. Маиший чиқиндилар билан тўлган полигонлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Маиший чиқинди полигонларини такомиллаштириш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. 24 та маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш, тупроқ билан ёпиш ва фаолиятини тўхтатиш</p>	2024 йил давомида	Маҳаллий бюджет маблағлари	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,</p> <p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухақимов</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Жорий йилда Томди тумани “Роҳат” кўрғонида жойлашган умумий майдони 26,4 гектар (<i>21,5 фоиз</i>) бўлган маиший чиқинди тўплаш полигони бугунги кунда тўлиқ рекультивация қилиниб фаолияти тўхтатилган.</p>

		ишларини амалга ошириш.				
<u>ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИ,</u> <u>ВИЛОЯТЛАР ҲОКИМЛАРИ</u>						
7.	<p>Республикада ўрмон билан қопланган майдонларни 3,65 миллион гектарга (8,1 фоизга) етказиш чораларини кўриш.</p> <p>3-илова 15-банд</p>	<p>1. Республика бўйича давлат захира ерларидаги мавжуд ўрмонзорлар ҳисобини аниқлаштириш.</p> <p>2. Ўрмон барпо этиш ва қайта ишлаш тадбирларини давом эттириш.</p> <p>3. Ўрмон билан қопланган майдонлар мониторингини юритиш.</p>	2024 йил давомида	Маҳаллий бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари,</p> <p>Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Навий вилоятининг умумий ер майдони 10,9 млн гектарни ташкил этиб, шундан 1,3 гектари (<i>11,9 фоиз</i>) ўрмон билан қопланган.</p> <p>Бу кўрсаткични янада кўтариш мақсадида вилоятда ҳар йили 50 минг гектар ўрмонзорлар барпо этиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилда ушбу режа 103 фоизга бажарилган.</p>
8.	<p>Ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини кум кўчишидан сақлаш учун 15 014 гектар ихота дарахтзорларини кенгайтириш.</p> <p>3-илова 16-банд</p>	<p>1. Ихота дарахтзорлари барпо этиладиган ҳудудларни аниқлаш.</p> <p>2. Танланган ҳудудлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.</p> <p>3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш.</p> <p>4. Қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида кум босиш, тупроқ ва шамол эрозиясининг олдини олиш мақсадида 2500 гектар майдонда ихота дарахтзорларни барпо этиш.</p>	2024 йил давомида	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари,</p> <p>Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Вилоятда 2024 йилда 200 гектар ер майдонда ихота дарахтзорларини барпо этиш режалаштирилган бўлиб, амалга бугунги кунда 1200 гектар (<i>шундан Томди туманида 600 гектар, Учқудуқ туманида 600 гектар</i>) ўрмон фонди ер майдонларида иқлим шароитига мос, сувсизликка чидамли бута кўчатлари ва уруғларидан экилиб, ихота дарахтзорлари барпо этилди.</p>
9.	<p>Чўлланиш, курғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва хароратнинг кўтарилишига қарши</p>	<p>1. Чўлланишнинг олдини олиш мақсадида «яшил қопламалар» ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш лойиҳаси ва харитасини</p>	2024 йил давомида	Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар маблағлари	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари,</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>2024 йилда 51,3 минг гектар (<i>Томди туманида 20 минг гектар, Учқудуқ туманида 31,3 минг гектар</i>) майдонда яшил</p>

	чора сифатида «яшил қопламалар» химоя ўрмонзорларини барпо этиш. 3-илова 21-банд	ишлаб чиқиш. 2. Чўл ўсимликлари турларини танлаш, талаб этиладиган уруғлик ва кўчат экиш материаллари захирасини яратиш.			Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов	қопламалар барпо қилинди.
10.	Доривор ўсимликларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича ҳар йили 25 минг гектаргача майдонда маданий плантацияларни ташкил этиш. 3-илова 27-банд	1. 25 минг гектар ер участкаларини электрон онлайн аукционга қўйиш орқали доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш учун зарурий ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш. 2. Доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш учун шумғия (цистанхе), ширинмия (қизилмия), тожик ковраги, наъматак, тиканакли ковул ва бошқа экспортбоп доривор ўсимликлар экиш материалларига талабномалар асосида квоталар ажратилишини таъминлаш. 3. Ташкил этилган доривор ўсимликлар плантацияларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.	2024 йил баҳор ва куз мавсумида	Ташаббускор ташкилотлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги И. Абдурахмонов, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳакимов, Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров, Фанлар академияси Б. Юлдашев	Бажарилди. 2024 йилда вилоятдаги ўрмон хўжаликлари томонидан 370 тонна доривор ўсимликлар хомашёси йиғилиб, 415 гектар майдонда доривор (<i>исирик, сассиқ каврак, наъматак, ширнмия, тапинамур ва бошқалар</i>) ўсимликлар плантациялари барпо қилинди.
11.	Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишни	Нукус шаҳри ва вилоятлар марказида жойлашган маданият ва истироҳат боғларида 1 тадан замонавий ёзги кинотеатр ва book-	2024 йил давомида	Ҳомийлик ва хайрия маблағлари, лойиҳа ташаббускорлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Бажарилди. Навоий шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида давлат хусусий шереклик асосида ёзги кинотеатр ва бооккафе фаолияти ташкил

	ташқил этиш. 1-илова 112-банд	кафелар фаолиятини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида йўлга қўйиш.		маблағлари		этилди. Боок-кафе фаолияти 90 метр квадрат майдонда ташқил этилиб, 1000 га яқин китоблар билан бойитилган.
<u>ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ, НАВОИЙ, БУХОРО, ХОРАЗМ ВИЛОЯТЛАРИ ҲОКИМЛИКЛАРИ</u>						
12.	Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 1,9 млн гектарга етказиш. 3-илова 20-банд	1. Орол денгизининг қуриган тубида «яшил қопламалар» ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш лойиҳаси ва харитасини ишлаб чиқиш. 2. «Яшил қоплама»лар ва ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш учун чўл ўсимликлари турларини танлаш, талаб этиладиган уруғлик ва кўчат экиш материаллари захирасини яратиш. 3. Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудида (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари) жами 200 минг гектар майдонда «яшил қоплама»ларни барпо этиш.	2024 йил давомида	Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар маблағлари	<u>Қорақалпоғистон Республикаси</u> <u>Вазирлар Кенгаши,</u> <u>Навоий, Бухоро,</u> <u>Хоразм вилоятлари</u> <u>ҳокимликлари,</u> Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров	Бажарилди. Оролбўйи ҳудудларида экологик вазиятни яхшилаш ҳамда ҳудудда чўл ўсимликларидан «яшил қопламлар» барпо этиш ишларини жадаллаштириш мақсадида «Орол Агро» МЧЖ томонидан Учқудуқ ва Томди туманларига 200 тонна саксовул ва қарабуроқ уруғлари Қорақалпоғистон Республикаси-дан олиб келиниб, экилиши таъминланди. Шунингдек, вилоятда 2024 йилда (Томди, ва Учқудуқ туманларида) 50 минг гектар ўрмонзор барпо этиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилда 51,3 минг гектар (Томди туманида 20 минг гектар, Учқудуқ туманида 31,3 минг гектар) майдонларига техника ва кичик авиация (делта план) ёрдамида чўл ўсимликлари уруғи ҳамда кўчатларидан яшил қопламалар барпо қилинди.